

<<Тасдйлайман>>  
Наманган шахар хокими  
ўринбосари  
Р.Исақов  
16.06.2022 йил

Тикув машиналарини етказиб  
берувчи ташкилотни танлаш бўйича  
танлов ҳужжатлари

Буюртмачи: Наманган шахар хокимлиги

Наманган-2022

## 1.ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХЛИЛИЙ ҚИЙМАТИ

### 1.1. Товарнинг характеристикаси

Номи	Миқдори	Суммаси
Тўғри чок Н1 тикув машинаси	98 дона	4 200 000 сўм

1.2. Танлов қиймати 411 600 000(тўрт юз етти миллион тўрт юз минг) сўм. Ушбу қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.

### 2.Танлов ташкилотчилари

2.1. Наманган шаҳар ҳокимлиги (бундан кейин- “бўйортмачи” де б аталади)- танлов ташкилотчиси ҳисобланади.

2.2. Танлов бўйортмачи томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган харид комиссияси томонидан ўтказилади.

### 3.Танлов иштирокчилари

3.1 Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда иш ва хизматларни кўрсатишга ихтисослашган камида 1 йил тажрибага эга бўлган барча юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2. Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қўйидаги малакавий талаблар қўйилади:

3.2.1. Танлов предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларининг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолотномаси ҳамда ишларни(хизматларни) бажариш учун зарур бўлган мутахассисларнинг мавжудлиги;

3.2.2. Танлов объектига ўхшаш объектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги;

3.2.3. Ўз кучлари билан илгари бажарилган иш хажмлари тўғрисидаги маълумотлар;

3.2.4. Низом маблағи миқдори.

3.3 Агар танлов предмети бўлган ишларни бажариш билан боғлиқ фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур бўлса, танловда иштирок этиши учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рухсат этилади.

### 4. Танловда иштирок этиш учун таклифларни тақдим этиш

4.1. Иштирокчилар ўз таклифларини электрон кўринишда (etender.uzex.uz) порталига жойлаштириши мумкин.

4.2. Танлов ҳужжатларида қўйидагилар тақдим этилиши лозим:

- Техник қисм, буюртмачи томонидан қўйилган техник талабларни ва бажариладиган ишларни кўрсатилиши керак;
- Нархлар қисми, танлов шартларида белгиланган нархлар доирасида, хизматларни бажариш муддатлари, тўловлар таркиби ва якуний тўловлар ҳамда бошқа боғлиқ кўрсаткичлар кўрсатилган бўлиши керак.

Танлов иштирокчилари хар бир таклифларни яхлит холда тикилган, номерланган ваколатли шахс имзоси ва мухр билан тасдиқланган холда ёки хар бир вароғини мухрлаб тасдиқланган холда тақдим этишлари лозим.

## **5. Томонларнинг жавобгарлиги**

**5.1.** Давлат харидлари тўғрисидаги қонун талабларини бузган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

**5.2.** Танлов иштирокчиси тақдим этилган барча хужжатларни хақиқийлигига ва тўғрилигига жавобгардир. Ҳолиб иштирокчи деб топилгандан сўнг қонунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан ўрнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

## **6. Бошқа шартлар**

**6.1.** Давлат буюртмачиси танлов хужжатларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисидаги танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида уч кун олдин қарор қабул килишга хақли. Товари ўзгартиришига йўл қўйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов хужжатларига ўзгартиришлар киритилган санадан эътиборан камида ўн кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вақтда агар эълонда кўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса, танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонга ўзгартиришлар киритилади.

**6.2.** Танлов иштирокчиси танлов хужжатлари қоидаларини танлов ўтказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига сўров юборишга хақли. Сўров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичида давлат буюртмачиси, агар мазкур сўров давлат буюртмачисига таклифла бериш муддати тугайдиган санадан камида икки кун олдин келиб тушган бўлса, ушбу сўровга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов хужжатларининг қоидаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун-мохиятини ўзгартирмаслиги керак.